

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
ректори Ш.Сирожиддинов**



(Handwritten signature in blue ink)

« ____ » _____ 2020 йил

**10.00.07 – «Адабиёт назарияси» ихтисослиги бўйича бўйича таянч
докторантура (PhD)га кириш имтихони
ДАСТУРИ**

Тошкент – 2020

Ушбу дастур Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди (2020 йил 20 сентябрдаги 3-сонли баённома).

**Тузувчилар: филол.ф.д., проф. Б.Каримов,
филол.ф.д., проф. (в.б.) У.Жўрақулов**

КИРИШ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Давлат таълим стандартлари”да ёшларни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш вазифаси белгиланган. Бу мумтоз маданиятимиз ва кадриятларимизни англаш, ўзлаштириш, аждодларимиз тарғиб этган маънавий-ахлоқий мезонларни талабалар руҳиятида улғайтириш асосида амалга оширилади.

10.00.07 – Адабиёт назарияси ихтисослиги бўйича тузилган малакавий имтиҳони дастури филология фанининг ушбу тармоғига оид назарий билимларни қамраб олишга қаратилади. Ушбу дастур тизимли равишда шакллантирилади. Мақсад талабгорнинг юқори малакали мутахассис бўлиб етишишидир. Бунда Шарқ ва Ғарб поэтик тафаккури тарихи, замонавий жаҳон адабиётшунослиги, адабий-назарий тафаккурга доир ишончли манбаларга таянилади.

Талабгорлар ўз миллий адабиёти назарияси тарихи, замонавий адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларини билиши ва тўғри талқин қила олиши, миллий адабиётшуносликни жаҳон назарий тафаккури контекстида тушуниши бугунги илмий-адабий жараён ривожини учун ўта муҳимдир. Шунингдек, миллий адабиёт назариясининг жаҳон стандартлари даражасига яқинлашуви миллий маънавиятимиз, адабиётимиз, ижтимоий ҳаётимиз ривожини таъмин этадиган омиллардан биридир.

Адабиёт назарияси фанининг объекти, предмети ва вазифалари

Асосий санъат турлари, уларнинг келиб чиқиши ва бир бутун санъат тизими сифатидаги эстетик функцияси, айти тизимда сўз санъатининг ўрни ва аҳамияти. Сўз санъати спецификаси. Адабиётнинг этик, эстетик ва ижтимоий вазифалари. Адабий тур ва жанрлар. Бадиий асар. Ижод жараёни. Ижодий метод масалалари. Қаҳрамон, образ, портрет ва характер муаммолари. Сюжет, композиция ва фабула. Бадиий асар архитектурони. Бадиий тил ва услуб. Шарқ ва Ғарб поэтикасининг умумий ва хусусий жиҳатлари талқини.

Адабиёт назарияси фани – адабиёт тарихи, адабий танқид, матншунослик ва манбашунослик, адабиётшунослик методологияси, фалсафа, психология, социология, этика, эстетика сингари қатор бошқа фан соҳалари билан узвий алоқадорлигини кўзда тутиш. Ушбу фан юзасидан тадқиқот усуллари ишлаб чиқиш. Тадқиқот жараёнида зарур бўладиган назарий тушунча ва терминларни системага солиш.

АСОСИЙ ҚИСМ

Адабиёт назарияси

Санъатнинг келиб чиқиши ва турлари. Санъатнинг асосий турлари: Меъморлик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, мусиқа, рақс, сўз санъати. Уларнинг генезиси масалалари. Ҳар бир санъат турининг специфик ўзига хослиги ва умумий жиҳатлари. Бунда материал, ижодкор ва ижодкор эстетик қарашларининг аҳамияти. Санъат турлари дифференциацияси. Кейинги даврларда пайдо бўлган синтетик (курама) санъат турлари ҳақида умумий тушунча. Уларнинг сўз санъати билан муносабати.

Адабиёт сўз санъати сифатида. Адабиётнинг луғавий маъноси. Адабиёт термини ва унинг тарихий тараққиёт босқичлари. Адабиётнинг фалсафа, эстетика, психология ва бошқа соҳалар билан муносабати. Адабиётда мазмун-шакл уйғунлиги масаласи. Адабиёт ва эстетик категориялар. Бадиий адабиётда пафос. Гўзаллик тушунчаси адабиётнинг асоси сифатида. Образлилик ва образли тафаккур. Тил ва бадиий услуб.

Адабиёт назарияси ва адабиётшунослик методологияси. Методология адабиёт назариясининг асосий муаммоларидан бири сифатида. Назарий поэтиканинг тарихий поэтикага таяниши. Жаҳон поэтик тафаккури тарихи ва илмий-назарий методлар ҳақида тушунча. Қадим ҳинд, қадим хитой ва қадим юнон адабий-эстетик тафаккури. Аристотель, Форобий, ва Навоийнинг поэтик қарашлари. Қиёсий-тарихий, типологик, формал мактаб. Структурал, биографик ва психоаналитик метод хусусиятлари. Герменевтик методнинг ўзига хослиги. “Янги танқид” хусусида. М.Бахтин ва унинг полифония ҳамда хронотоп назарияси.

Биографик метод. Ушбу методнинг ижодкор биографияси билан узвий боғлиқлиги. Ижтимоий омилларнинг биографик методнинг шаклланишидаги ўрни. Биографик метод ва фалсафа. Биографик метод ва тарих. Биографик метод ва генетика. Биографик методнинг психологик ва психобиографик омиллари. Биографик методнинг шаклланишида Шарль Сент-Бьёв илмий-танқидий фаолиятининг ўрни. Андре Моруа тадқиқотлари биографик методнинг янги босқичи сифатида. Ўзбек адабиётшунослиги ва биографик метод.

Психоанализ ва бадиий ижод. Психоанализнинг майдонга келиш тарихи: З.Фрейднинг психоаналитик тадқиқотлари. К.Юнг ва Э.Фромм неофрейдистик қарашлари. Либидо, эго, суперэго психоаналитик талқинни қилит тушунчалари сифатида. Психоанализда биофил ва некрофил тушунчалари. Психоанализнинг бадиий ижод билан бевосита ва билвосита муносабати. Софокл, Шекспир, Ф.Достоевскийлар ижоди психоаналитик

талқин контекстида. Психоанализ ва Шарқ маърифий тафаккури аро зиддиятлар, бунинг сабаблари. Психоанализнинг чекланган жиҳатлари.

Бадиий ижод ва ижодий жараён масалалари. Бадиий ижодда ижодкор позицияси, дунёқараши ва миллий мансублигининг аҳамияти. Ижод жараёни: мавзу танлаш, материал йиғиш, материалларни тизимли жойлаштириш, ёзиш жараёнлари. Ижодий жараён ва эстетик идеал. Ижодий жараёнда пафос гўзаллик, хунуклик, фожиавийлик, драматиклик, комиклик, сентименталлик. Ижод психологияси. Ижод жараёни ва ижодий метод муштараклиги.

Бадиий адабиётда умуминсонийлик, миллийлик ва индивидуаллик. Эстетик идеалнинг юксаклиги ва адабиётда умуминсонийлик масаласи. Миллийлик ҳар қандай адабиёт намунасининг моҳиятини ташкил этиши. Адабиётда халқ тили ва фольклор элементлари. Замонавий адабиёт ва миллий тил. Эстетик идеал ва миллийлик. Ижодкор индивидуаллиги: унинг ижтимоий, фалсафий ва психологик омиллари.

Бадиий асарда мазмун ва шакл уйғунлиги. Бадиий асар тушунчаси: бадиий, назарий ва эстетик критерийлари. Бадиий асарда мазмун ва шаклга хос компонентлар. Шакл ва мазмун уйғунлиги бадиийликнинг муҳим шарти эканлиги. Бадиий асарда мавзу ва ғоя. Бадиий асарда сюжет, композиция ва фабула. Қаҳрамон, образ, портрет ва характер муаммоси.

Бадиий образ ва образлилик. Образли тафаккур ва образлилик. Образ яратишда бадиий тил ва услубнинг аҳамияти. Бадиий асарда образ. Бадиий асар образлари тизими ва илмий-назарий тасниф муаммоси. Бадиий образ ва хронотоп.

Тарихий образ. Тарихий образ спецификаси. Тарихий образнинг турлари. Эпик асарларда тарихий образ. Драматик ва лирик асарларда тарихий образ. Тарихан реал воқелик ва тарихий образ муносабати. Тарихий образ талқинида бадиий тўқиманинг ўрни. Тарихий-биографик образ. Тарихий романда “волтер-скотча” образ шакли. Ўзбек тарихий романларида бош қаҳрамон масаласи.

Адабий тур ва жанрлар. Адабий тур ҳақида тушунча. Адабий турлар спецификаси. Адабий жанрларни белгилаш принциплари. Назарий критерийлар масаласи. Эпос ва унинг жанрлари. Лирика: Шарқ шеъриятига хос лирик жанрлар. Ғарб поэзияси жанрлари. Драма: трагедия, драма ва комедия. Драмада пафос масаласи. Синтетик жанрлар: трагикомедия.

Роман жанри. Роман жанрининг шаклланиш омиллари. Қадим Юнон романи. Рицар романи ва унинг турлари. Уйғониш даврида роман такомилли. Янги давр Европа романи. Реалистик роман ва унинг шакллари. Сентиментал

роман. Маърифатчилик романи ва унинг спецификаси. Модернизм адабиётида романнинг ўрни. Постмодернистик роман хоссалари.

Драма жанри. Драманинг майдонга келиш тарихида миф ва маросимларнинг ўрни. Драманинг ўрта жанр эканлиги. Трагедия, комедия ва драма ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар. Европа драмасининг ўрта асрлардаги кўринишлари: литургик театр, мистериялар, мимлар. Классицизм драмалари. Драмада образ, композиция ва конфликт масаласи. Миллий драматургия ва унинг омиллари.

Туюқ жанри. Туюқ жанрининг специфик хусусиятлари. Туюқ жанрида вазн, қофия, радиф масаласи. Туюқнинг тарихан туркий адабиётга хос жанр эканлиги. Тажниснинг миллий тил хусусиятлари билан боғлиқлиги. Атауллоҳ Ҳусайний ва Аҳмад Тарозийлар туюқ ҳақида. Навоий туюқларининг бадиий ўзига хослиги. Сажъ ва туюқ муносабати.

Шеърӣй вазнлар масаласи. Шеърӣйда ҳижо ва товуш (тоник) система. Гекзаметр ва аруз. Аруз вазни тарихи. Аруз поэтикаси: жанрлар, байт, мисра, рукн, қофия ва радиф тушунчалари. Бармоқ вазни тарихи ва поэтик хусусиятлари. Сарбаст вазни. Эркин ва оқ шеър.

Ижодий метод. Ижодий методлар ва уларнинг шаклланиш принциплари. Ижодий методнинг миллий ва индивидуал омиллари. Ижодий метод ва фалсафа. Ижодий метод ва ижодкор дунёқараши масалалари. Классицизм универсал метод сифатида. Сентименталлик ва сентиментал бадиий талқин. Романтизм методи: Ғарб ва Шарқ романтизми. Реализм ва натурализм методлари ўртасидаги умумий ва хусусий жиҳатлар. Модернизм адабиёти: декадент адабиёти, сюрреализм, импрессионизм, экспрессионизм, экзистенциализм, абсурдизм.

10.00.07 – «Адабиёт назарияси» ихтисослиги бўйича кириш имтиҳон дастури юзасидан ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2018 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 16 январь, №11.

2. Адабий тур ва жанрлар. Биринчи том. – Т., 1991.

3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т., 2000.

4. Борев Ю. Эстетика. – М., 1981.

5. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Т., 2015.

6. Волков И. Теория литературы. – М., 1995.
7. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т., 2006.
8. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т., 2015.
9. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т., 2017.
10. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т., 2011.
11. Каримов Б. Рухият алифбоси. – Т., 2016.
12. Мели С. Сўзу сўз. – Т., 2020.
13. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Т., 1994.
14. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т., 2002.
15. Тарозий Аҳмад. Фунун ул-балоға. Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов. – Т., 1996.
16. Теория литературы. В двух томах. Том 1. Н.Д.Тамарченко, В.И.Тюпа, С.Н.Бройтман. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика.-М., 2004.
17. Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. Перевод с английского А.Зверова, В.Харитоновна, И.Ильина.-М., 1978.
18. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев.-Т., 1995.
19. Хализев В.Е. Теория литературы. – М., 1999.
20. Пospelев Г.Н. Теория литературы. – М., 1978.
21. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Т., 2008.
22. Қуроноф Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т., 2019.
23. Қуроноф Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Т., 2011.
24. Хусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т., 1981.

Электрон манбалар:

1. www.ziyo-net.uz
2. www.litera.ru.
3. www.philologs.narod.ru.

Баҳолаш мезонлари

Кириш синови ёзма равишда ўтказилиши белгиланган бўлиб, 100 баллик мезон асосида баҳоланади.

Ҳар қайси саволга ёзган жавоби қуйидагича баҳоланади:

Ҳар бир савол учун балл	Жавобга қўйиладиган талаблар
86-100	Қўйилган саволга тўлиқ жавоб берган. Назарий жиҳатларини ёритишда хатолик ва чалкашликка йўл қўйилмаган.

	<p>Мустақил равишда мушоҳада юритиб баён этилган. Амалий мисоллар билан асослаб баён этилган. Хулосани тўғри шакллантирган. Фикрлар эркин баён этилган.</p>
71-85	<p>Саволнинг моҳиятини тушунган. Жавобни ёритиб бера олган. Амалий мисоллар келтирилган. Тасаввурга эга. Қисқача хулоса берган. Фикрларни содда баён этган.</p>
55-70	<p>Савол моҳиятини тушунган. Жавоб ёритилган, қисқа шаклда. Мисоллар билан асосланмаган. Хулоса қилинган.</p>
0-54	<p>Саволнинг айрим элементларигина ёритилган, ёки умуман ёритилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас.</p>